**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ректор ______ С.Турабджанов

2020 йил "27" 06

КЕЛИШИЛДИ
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020 йил "__" 10

Рўйхатга олинди: № БД 5310900-2.11
2020 йил "17" 08

# СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ВА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ

## ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| Билим соҳаси: | 300 000 – | Ишлаб чиқариш техник соҳаси |
| Таълим соҳаси: | 310 000 – | Муҳандислик иши |
| Таълим йўналиши: | 5310900 – | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (саноат) |

**Тошкент 2020**

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил "17" 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил "4" 10 даги "892" -сонли буйруғининг 2 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Исматуллаев П.Р. | – | ТошДТУ, "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" кафедраси профессори, т.ф.д.; |
| Матякубова П.М. | – | ТошДТУ, "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" кафедраси мудири т.ф.д., профессор; |
| Тўраев Ш.А. | – | ТошДТУ, "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" кафедраси доценти, тф.н.; |
| Бобоев Ғ.Ғ. | – | ТошДТУ "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" кафедраси катта ўқитувчиси |

**Тақризчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Газиев Ғ.А. | – | "Ўзстандарт" агентлиги, ССТЖТСИТИ директори; |
| Шипулин Ю.Г. | – | ТошДТУ, "Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари" кафедраси профессори, т.ф.д. |

Фан дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил 27 _06 даги 10 - сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этилган сифат менежменти тизимларини сертификатлаштиришда аудит ўтказиш, аудит турлари, ўтказиладиган ва ўтказилган ички аудит натижаларини таҳлил қилиш, таҳлили натижалари асосида сифат менежементи тизими мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш тартиблари, фан тарихи ва ривожининг тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иқтисодийислоҳатлар натижалари ва сертификатлаштириш соҳасидаги ҳалқаро, ҳудудий муаммоларнинг сертификатлаштириш истиқболига таъсири масалаларини қамраб олади.

Ушбу фаннинг аҳамияти халқаро савдо тизимига Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ингерациялашуви билан алоқадор метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни қамраб олган.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда маҳсулот ва хизматлар, корхона сифат менежменти тизимини ҳамда ходимларни сертификатлаштириш, сертификатлаштириш схемалари, сертификатлаштиришнинг шакллари, синов лабораторияларини ташкил қилиш, синов турлари, сертификатлаштириш ва синов натижаларини расмийлаштириш ҳамда муайян шароитларга мос ҳолда сертификатлаштиришни ташкиллаштириш, сифат менежменти тизимини ривожланиш истиқболлари, республикамизда сифат менежменти тизимини корхоналарда жорий этиш ва сертификатлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича йўналиш ихтисослигига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга: – сертификат, сертификатлаштириш фаолиятлари тўғрисида; сертификатлаштириш бўйича халқаро, ҳудудий ва миллий ташкилотларнинг

фаолиятлари ва тузилмаси тўғрисида; маҳсулот ва хизматларининг сифатини кафолатловчи ҳужжатлар ҳақида; савдодаги техник тўсиқлар ва маҳсулотларнинг экспорт ва импорт жараёнлари; ISO 9000 серияcидаги халқаро стандартлар ва уларнинг маҳсулот сифатини таъминлашдаги аҳамияти; маҳсулот сифатига жараёнли ёндашишни роли; сифат таъминоти тизимлари ва уларнинг ривожланиш босқичлари; сифат менежменти тизимини корхоналарда қўллаш; сифат бошқарув ҳужжатларини электрон версиясини; сифат тизимини замонавий бошқаришда ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш истиқболлари ўргатишдан иборат.

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-Модуль. Фанга кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари

**1-мавзу.** Фанга кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилотлари ва ISO, ISO/IEC, ILAC ташкилотларининг фаолиятлари.

**2-мавзу.** Сертификатлаштириш фаолияти. Сертификатлаштирир得ишнинг ривожланиши. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг қонуний ва меъёрий асослари.

**3-мавзу.** Сертификатлаштиришнинг меъёрий ва қонуний асослари. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасидаги қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлари, сертификатлаштириш тизими, миллий сертификатлаштириш тизими, миллий сертификатлаштириш тизими вазифалари, қатнашувчи идоралар, сертификатлаштириш тартиби

**4-мавзу.** Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунчалар. Сертификатлаштириш миллий тизимига оид асосий қоидалар (O‘z DSt 5.0) Сертификатлаштириш тизимининг мақсади, вазифалари ва фаолият турлари.

**5-мавзу.** Хорижий сертификатлаштириш тизимлари. Халқаро, ҳудудий ва миллий микёсдв сертификатлаштиришнинг ривожланиши. Европа давлатлари, Америка, Англия, Германия, Франция, Туркия, Хитой ва Россия давлатлари сертификатлаштириш тизимлари ва уларнинг фаолияти.



### 2-Модуль. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш фаолияти.

**6-мавзу.** Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш фаолияти. Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш тизими.Сертификатлаштиришни ўтказиш асосий босқичлари.

**7-мавзу.** Сертификатлаштириш миллий тизимида қатнашувчи идоралар. Сертификатлаштириш миллий тизимининг ташкилий тузилмаси. Сертификатлаштиришда қатнашувчи идораларнинг вазифалари. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари.

**8-мавзу.** Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари ва тартиби.

**9-мавзу.** Мувофиқликни тасдиқлаш ва баҳолаш учун маҳсулотни синаш. Сертификатлаштиришда маҳсулотни синаш. Сертификатлаштириш натижаларини расмийлаштириш. Сертификатлаштирилган маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш.

### 3-Модуль. Сертификатлаштириш

**10-мавзу.** Хизматларни сертификатлаштириш. Хизматларни сертификатлаштириш тиртиби. Хизматларни сертификатлаштириш схемалари. Хизматларни баҳолаш усуллари.

**11-мавзу.** Сертификатлаштирилган объектларни инспекцион назорати. Сертификатланган маҳсулот, хизмат, жараён, сифат тизими ва ходимларни инспекцион назоратини ўтказиш.

**12-мавзу.** Ўзбекистон Республикаси аккредитлаштириш миллий тизимининг асосий қоидалари. Аккредитлаштириш, аккредитлаштириш тизимининг ташилиш тузилмаси.

**13-мавзу.** Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун.

**14-мавзу.** Ўзбекистон Республикасида аккредитлаштириш тартиби асосий қоидалари. Аккредитлаштириш тартиби ва инспекцион назорати.

**15-мавзу**. Синов лабораторияларини аккредитлаш. Синов лабораторияларини ташкилаштириш, синовларни ўтказиш, синов лабораторияларини аккредитлаштиришга тайёрлаш босқичлари, уларнинг мақсад ва вазифаси O'zDSt ISO/IEC 17025.

**16-мавзу**. Сертификатлаштириш идораларига бўлган умумий талаблар (O' z DSt 16.10:2009). Сертификатлаштириш идораларини ташкиллаштириш, вазифалари ва фаолияти.

**17-мавзу.** Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш. Ишлаб чиқаришни сертификатлаширш қоидалар. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш тартиби. Сертификатлаштиришда ишлаб чиқаришни баҳолаш ва кузатиш.

**18-мавзу.** Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидалари.

**4-Модуль. Сифат менежменти тизими**

**19-мавзу. Сифат, маҳсулот сифатини бошқариш.** Сифат, маҳсулот сифатини бошқариш, маҳсулот сифатини бошқариш, сифат соҳасидаги асосий атамалар ва сифатга истеъмолчиларнинг бўлган қизиқиши ҳамда сифат соҳасида ёндошувлар ривожланиши тарихи, халқаро миқёсидаги сифат тушунчалар, сифатни бошқариш тизимининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи.

**21-мавзу.** Сифат менежменти тизими тўғрисидаги таълимот тарихи. Сифатни бошқаришнинг хорижий тажрибалари. Сифат менежменти тизими концепцияси ва умумий қоидалари.

**22-мавзу.** ISO 9000 серияли стандадартлар, хорижий давлатларда сифати бошқариш тизимлари КАНАРСПИ, БИП, НОРМ, КС УКП тизимларнинг яратилиши, моҳияти ва фаркли жиҳатлари, ISO ташкилоти ва унинг фаолияти ISO 9000 серияли стандартларни ишлаб чиқилиш тарихи, ISO 9000 сериясида халқаро стандартлар моҳияти.

**23-мавзу.** Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларига умумий талаблар (ISO/IEC 17021). Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идоралари ва уларни ташкиллаштириш.

**24-мавзу.** Сифат менежменти тизимига талаблар. Сифат менежменти тизимининг умумий қоидалари.



**25-мавзу.** Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш. ISO 9001 стандарти талаблари асосида сифат менежменти тизими ва тамойиллари. Сифат тизимларини сертификатлаштиришнинг асосий қоидалари (O'z RH 51-025), сифат тизимларини сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби (O'z RH 51-027).

**26-мавзу.** Сифат менежменти тизимини текшириш. Аудит ва аудит турлари. Аудит. ISO 19011 халқаро стандарти. Сифат тизимини ички, ташқи, учинчи томон аудитлари, аудит турлари.

**27-мавзу.** Сифат менежменти тизимини ҳужжатлаштириш. Сифат менежменти тизимининг ҳужжатлари тузилмаси

**5-Модуль. Сифат менежменти тизимини жорий этиш.**

**28-мавзу. Сифат менежменти тизимини жорий этиш.** Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг вазифавий ва ташкилий асослари, сифат менежменти тизимининг меъёрий таъминоти. Сифат менежменти тизимини ҳужжатлаштириш жараёни ва ҳужжатларини жорий этиш қоидалари ва тартиби.

**29-мавзу.** Сифат тизимини ички ва ташқи аудитлари. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идораларига бўлган умумий талаблар ва уларни аккредитлаш меъзонлари. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идораларини аккредитлаш процедуралари.

**30-мавзу.** Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш бўйича экспертларга қўйиладиган талаблар. Уларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.

**6-Модуль. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш**

**31-мавзу. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш.** Сертификатлаштиришни ўтказишдан мақсади ва уни ўтказиш шароитлари ва объектлари.

**32-мавзу.** Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш босқичлари, Сертификатлаштиришдан олдинги босқич, баҳолаш аудитини ўтказиш, ташкилотнинг сифат

тизимини текшириш ва баҳолаш, аудит ўтказиш тартиби ва графигини ишлаб чиқиш, сертификатлаштирилган сифат тизимини инспекцион назорати.

**33-мавзу.** Аудит ўтказиш қоида ва тартиблари. Сертификатлаштириш жараёнидаги текширув объектлари. Текширув дастури бошқарувига қўйиладиган талаблар. Текширув иштирокчилари, текширув комиссияси таркиби тузиш.

**34-мавзу.** Сифат менежменти тизимининг ишчи ҳолатини баҳолаш, унинг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлашдан қўлланиладиган восита ва усуллар. Сифат менежменти тизимда ахброт технологияларини қўллаш. Сифат бўйича менежерларга қўйиладаган талаблар ва уларни тайёрлаш.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

"Сертификатлаштириш асослари ва сифат менежменти" фанидан амалий машғулотларни ташкил этишда талабаларни гуруҳларга бўлиб, экспертли таҳлил қилиш ва баҳолаш, мунозаралар юритиш, ақлий ҳужум, муаммоли вазиятлари ҳал қилиш, муайян корхона мисолида сифат менежменти тизими ва унинг ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, сертификатлаштиришнинг босқичлари бўйича ишларни ўрганиш, эксперт-аудиторларнинг фаолияти натижаларини расмийлаштиришга эътибор қаратилади.

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессорлари ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маърузa мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимларини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.



### Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Сертификатлаштириш фаолиятига алоқадор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунини шарҳлаш. Сертификатлаштириш соҳасидаги қонунлари таҳлили "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунни ўрганиш.
2. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини ўрганиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулот-ларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштириш тўғрисида"ги 318 –сонли қарорини ўрганиш.
3. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари.
4. Сертификатлаштириш схемаларини ўрганиш. Маҳсулотларни сертификатлаштиришда қўлланиладиган схемалари.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва четга чиқарилаётган товарлар, уларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби.
6. Мувофиқлик сертификати бланкини тўлдиришни ўрганиш. Сертификатлаштириш бўйича ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқишни ўрганиш.
7. Спорт буюмларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш. Спорт буюмларини синаш ва синов натижаларини расмийлаштиришни ўрганиш ("Ўзстандарт" агентлиги синов лабораториясида).
8. Қурулиш маҳсулотларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш. Қурулиш маҳсулотларини синаш ва синов натижалрини расмийлаштириш ўрганиш ("Ўзстандарт" агентлиги синов лабораториясида).
9. Сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматлар устидан инспекцион назоратини ўтказиш тартиби.
10. Хизматларни сертификатлаштириш. Хизматларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш.
11. Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитлаштиришдан ўтказиш тартиби
12. Аккредитланган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини инспекцион назоратдан ўтказиш тартиби.

13. Аккредитланган сертификатлаштириш органлари ҳужжатларини ўрганиш. Сертификатлаштириш органларига қўйилган талаблар.

14. Аккредитланган синов лабораторияси ҳужжатларини ўрганиш. Синов лабораторияларига қўйилган талаблар. Синов лабораторияларида фойдаланиладиган ҳужжатлар.

15. Мувофиқликни баҳолашдаги ходимларнинг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар.

16. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби. Экалогик сертификатлаштириш тартиби.

17. Ҳалол сертификатлаштириш идораларига қўйиладиган талаблар.

18. Экалогик сертификатлаштириш тартиби.

19. Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш коидалари.

20. Сертификатлаштириш синовларини расмийлаштириш ва натижаларини тан олиниши қоидаларини ўрганиш. Сертификатлаштириш синовларини расмийлаштириш. Синов натижаларини тан олиниши қоидаларини ўрганиш.

21. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича халқаро стандартлар таркиби. ISO ва ISO/IEC стандартларини таҳлил қилиш.

22. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш режасини ишлаб чиқиш. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш режасини ишлаб чиқиш. Сертификатлаштириш дастурини ишлаб чиқиш.

23. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш. Корхона сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таркибини ўрганиш.

24. Сертификатланган сифат менежменти тизими ички аудитини ўтказиш. Сертификатланган сифат менежменти тизими ички аудити режасини ишлаб чиқиш. Ички аудит натижаларини расмийлаштириш.

25. Сифат менежменти тизимининг тамойиллари билан таниши.



26. Сифат менежменти тизимининг процедура ва меъёрий ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

27. Сифат тизимини сертификатлаштириш идоралари ва уларнинг фаолиятини ўрганиш.

28. Сифат тизимини сертификатлаштириш идоралари фаолиятини инспекцион назоратдан ўтказиш тартиби.

29. Сифат тизимларини сертификатлаштириш тартиби.

30. Сертификатлаштирилган сифат тизимлари инспекцион назорат қилиш тартиби.

31. Сифатни бошқариш тизимлари сертификатига эга корхоналар учун амалдаги имтиёзлар.

32. “Ҳалол” стандартига мувофиқ намунавий сифат менежменти тизими ҳужжатлари.

33. ISO 14001 ва OHSAS 18001 халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, интеграллашган сифат менжмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

## V. Курс иши бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Курс ишининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, реал шароитда ишлатилаётган ўлчаш воситаларини метрологик тавсифларини аниқлаш ҳамда уларнинг ишга яроқлилик даражасини аниқлашдан иборат.

Курс ишининг мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган ўлчаш воситаларининг биронта турига боғлиқ ҳолда тузилади. Курс ишининг ҳисоб-график ишлари замонавий компьютер дастурларида бажарилиши тавсия этилади.

### Курс ишининг тахминий руйхати

1. Синов лабораторияларини аккредитлаш. Синов лабораторияларини ташкилаштириш, синовларни ўтказиш, синов лабораторияларини аккредитлаштиришга тайёрлаш босқичлари.

2. Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари..

3. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби
4. Сифат тизимини сертификатлаштириш идоралари ва уларнинг фаолиятини ўрганиш.
5. Текистель маҳсулотларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш.
6. Полимер маҳсулотларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш.
7. Хўжалик электротехника буюмларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш.
8. Сифат тизимини ички ва ташки аудитлари.
9. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш босқичлари.
10. ISO 9001 стандарти талаблари асосида сифат менежменти тизими ва тамойиллари.
11. ISO 14001 халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, интеграллашган сифат менжмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
12. OHSAS 18001 халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, интеграллашган сифат менжмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
13. Сертификатлаштириш синовларини расмийлаштириш ва натижаларини тан олиниши қоидалари.
14. Корхоналар сифат менжмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
15. Сертификатланган сифат тизимини маҳсулотнинг ҳаётий циклига таъсирлари.

## VI. Мустақил талим ва мустақил ишлар бўйича кўрсатма ва тасвиялар

Талаба мустақил таълимни шу фанн ўрганиў жараёнида фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;



- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўрганиш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулар устида ишлаш;
- Янги техникаларни, жараёнларни ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий таълим.

### Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Маҳсулотни ва сифат тизимни сертфкатлаштиришнинг иқтисодий аҳамияти;
2. Сертификатланган сифат тизимини маҳсулотнинг ҳаётий циклига таъсирлари;
3. Сифат тизимини сертификатлаштиришда халқаро ташкилотлар.
4. Сифат менеджменти тизимларини баҳолаш
5. СМТ фаолиятини самарадорлигини баҳолаш
6. Ўз-ўзини баҳолаш фаолияти, сифатини ўлчаш ва яхшилаш тенденцияларини аниқлаш учун қўллаш
7. Яхшилаш мезонлари ва уларни қўллаш усуллари.
8. Жараёмлар блок-схемалари. Жараёнлар карталари.
9. Сабаб-оқибат диаграммаси. Ақлий ҳужум услуби.
10. Парето таҳлили. Жараёнларнинг статистик назорати;
11. Назорат карталари. Матрицали таҳлил ва маълумотларни йиғиш вараклари
12. Сифат соҳасидаги мукофотлар моделлари.
13. SWOT-таҳлил ва FMEA-таҳлил услублари
14. Тежамкорлик ишлаб чиқариши услуби. Олти сигма услуби
15. Кўрсаткичлари балансланган тизими услуби
16. Маҳсулотнинг ҳаётий цикли жараёнлари.
17. Хизмат ҳаётий цикли жараёнлари.
18. Синовлар назоратини таъминлаш тизими.
19. Режалаштириш жараёнлари ва уларни бошқариш.

20. Сифат менежменти тизими ишчи ҳолатини холисона далиллари ва уни баҳолаш.

21. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш учун буюртмачи ҳужжатлари мажмуасини тайёрлаш.

22. Сифат менежменти тизими ҳужжатларини дастлабки текшируви ва уни сертификатлаштириш.

## VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари


### Асосий адабиётлар

1. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дасрлик. Т.: Lesson-Press, 2015. – 423 б.

2. Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ғ.Х., Тураев Ш.А. Сертификатлаштириш асослари ва сифат менежменти. Дарслик. Тошкент, Sano-standart, 2014. – 330 б.

3. Абдувалиев А.А. и др. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. - Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002. - 287 с.

4. Ахмедов Б.М., Исматуллаев П.Р., Тураев Ш.А. Сертификатлаштириш ва сифатни бошкариш асослари, ўқув қўлланма. ЎзР ОЎМТВ; ТДТУ. - Тошкент, 2007. -233 б.

5. Ахмедов Б.М., Исматуллаев П.Р., Туробжонов С.М., Юсупов Э.Д., Тураев Ш.А. Основы системы менеджмента качества. Изд-во ИПТД «Узбекистан», - Ташкент, 2009. –208 с.

6. Ахмедов Б.М., Абасов А.А. Система менеджмента качества – основа конкурентоспособности. Изд. «Аср-Матбуот». 2004. 96с.

7. G. M. S. de Silva., Basic Metrology for ISO 9000 Certification (1st Editio)., Ships from and sold by Amazon.com. Gift-wrap available., 2002.

8. Douglas C. Montgomery., Statistical Quality Control 7th Edition.,Printed in the USA., 2012.

9. Andy Eadie. Global Certifications for Makers & Hardware Startups: Find the regulatory path to legally bring your product to market in the US (FCC), Europe (CE) and beyond., Kanada: 2015.





10. G.K.Vijayaraghavan., R.Rajappan., Engineering Metrology and Measurements., For 5th Semester Mechanical and Automobile Engineering ( As per the Latest Anna University Syllabus – Reg.,2008.

### Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. –Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т: "Ўзбекистон" НМИУ, 2016.– 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 488 б.

4. Ўзбекистон Республкасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони

5. "Standart" илмий-техникавий журнали, "Ўзстандарт" Агентлиги.

6. "Методы менеджмента качества" илмий-техникавий журнали, Россия Федерацияси.

7. Трофимов, А.В. Аудит качества: учебное пособие / А.В. Трофимов. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2009. – 96 с. – 100 экз.

8. Никитин В.А. Управление качеством на базе стандартов ISO 9000-2000. 1-издание Теория и практика менеджмента. Из-во Питер, 2004. – 272с.

9. Никитин В. А., Филончева В. В. Управление качеством на базе стандартов ИСО 9000:2000. 2-издание Политика. Оценка. Формирование. Теория и практика менеджмента. Из-во Питер, 2004. – 127 с.

10. Менеджмент качества экспорта: Книга ответов для предприятий-экспортеров малого и среднего бизнеса. – Б.: Аль Салам, 2005.-318 с. (Секреты торговли).

**Интернет сайтлари**

1. http:\\www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий сайти.
2. http:\\www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. http:\\www.standart.uz – "Ўзстандарт" агенлиги.
4. http:\\www.smsiti.uz - Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти.
5. http:\\www.easc.org.by – Межгосударственный Совет по стандартизации, метрологии и сертификации Содружества Независимых Государств.
6. http:\\www.ziyonet.uz – Таълим портали
7. http:\\www.window.edu.ru – Бутун Россия таълим портали.
8. http:\\www.kpms.ru
9. http:\\www.quality.eup.ru